



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 2 февраль, № 23 (7253)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

БАНКРОТЛИК ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ВА СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш, суд бошқарувчилари фаолиятини такомиллаштириш, халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикасининг позициясини яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциациясининг 2019 йил 1 июлдан қуйидаги тартибни ўрнатиш ҳақидаги тақлифи маъқуллансин:

давлат солиқ хизмати органлари солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ундириш имконияти бўлмаганлиги сабабли ижро ҳужжатлари қайтарилган кундан бошлаб **30 кундан кечиктирмасдан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилади**; банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар суммаси **энг кам иш ҳақи миқдорининг камида уч юз каррасини** ташкил этадиган бўлса, қарздор якка тартибдаги тадбиркорга ёки якка тартибдаги тадбиркор макомини йўқотган жисмоний шахсга нисбатан эса **энг кам иш ҳақи миқдорининг камида йигирма каррасини** ташкил этадиган бўлса, суд томонидан қўзғатилиши мумкин;

туғатишга доир иш юритиш мuddати тўққиз ойдан ошмаслиги лозим, алоҳида ҳолларда ушбу мuddат банкротлик тўғрисидаги ишда иштирок этаётган шахсларнинг илтимосномасига асосан суд қарори билан уч ойдан ошмаган мuddатга узайтирилиши мумкин;

бенефициар ва аффилиланган шахсларнинг биргаликдаги хатти-ҳаракатлари оқибатида сохта банкротлик, банкротликни яшириш ёки қасддан банкротликка олиб келиш аломатлари аниқланганлиги тўғрисида **суднинг қонуний кучга кирган ҳукми** мазкур шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда **субсидиар жавобгарликка тортиш** учун асос ҳисобланади;

банкротлик таомиллари қўлланилган қарздорларнинг мол-мулки суд бошқарувчилари томонидан “E-IJRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончасида электрон онлайн-аукцион орқали сотилади.

2. 2019 йил 1 мартдан Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида (кейинги ўринларда — Республика олий мактаби) қуйидагиларни назарда тутувчи махсус курслар ташкил этилсин:

суд бошқарувчиси аттестатини олишга талабгорларни махсус дастур бўйича шартнома асосида ўқитиш;

тегишли тоифадаги суд бошқарувчиси аттестатини олиш учун асос бўладиган ўқиниш тугатганлик тўғрисидаги гувоҳномами бериш;

суд бошқарувчиларининг касбий даражаси ва малакасини ошириш.

(Давоми 2-бетда).



Президент ташрифидан сўнг...

ЎЗБЕКИСТОН ЁНҒОҚ ЭКСПОРТИДА ҚАЧОН ЕТАКЧИЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛАДИ?

Сиз ҳам эшитгандир-сиз?! Ўтган йили Украинада ёнғоқ экспорти 83 фоиз ўсди. Ушбу давлат Европа ва Осиё мамлакатлари-га 67,1 миллион АҚШ долларлик маҳсулот етказиб бериб, соҳада етакчилар сафидан жой олди.

Жаҳон бозоридида ширин-шакар мевалари билан ном қозongan Ўзбекистонда бу борадаги аҳвол қандай? Ўтган йили қанча ёнғоқ экспорт қилинди? Бу кўпчи-ликни қизиқтириши табиий, албатта.



Давлат статистика қўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, 2018 йилда четга 12 534 000 долларлик маҳсулот сотилган. Бу озми ёки кўп?

Аввалги йилдаги кўрсаткич билан таққослайдиган бўлсак, салкам икки баробар камайган. Негаки, 2017 йилда хорижий давлатларга қарийб 24 миллион долларлик маҳсулот етказиб берилган.

Қулай табиий-иклим шароитига эга мамлакатимизда боғдорчиликнинг мазкур тармоғи ривожига нега ҳамон суст? Ўзбекистон ёнғоқ экспортида қачон етакчилар сафидан жой олади?



УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР, ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР

жиззахликларни янги марралар сари руҳлантирмоқда



Адиба ЖАББОРОВА,
Фориш тумани тиббиёт бирлашмаси
раҳбари:

— Давлатимиз раҳбари туманимизга ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари билан яқиндан танишди. Туманимиз тоғли ҳудудда, қолаверса, вилоят марказидан анча олисда жойлашган бўлишига қарамай, ҳудудимиздаги янгиланишлар ва ўзгаришлар шиддати шаҳардагидан асло қолишаётгани йўқ.

Фаоллар ййгилишида Фориш туманида олиб борилаётган ишларга Президентимиз алоҳида бўғталиб, биздан муаммоларимиз ҳақида сўрадилар. Очиғи, туманимиздаги тиббиёт бирлашмасининг туғруқ мажмуаси жуда хароб ҳолга келиб қолган. Бунинг устига, ҳомиладор аёллар ва чақалоқлар учун хоналар етишмайди. Шу ҳақда давлатимиз раҳбарига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Ушбу масала Юртбошимиз томонидан ижобий кутиб олинди. 60 ўринли туғруқхона комплексини куриш бўйича мутасаддиларга топшириқ бердилар.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига амалга оширган ташрифи ҳудудни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтириш борасида янги имкониятлар эшигини очди. Одамлар бугунги кундан рози бўлиб, эртанги кунга бўлган ишончи янада мустаҳкамланди. Бинобарин, бугун вилоятда ким билан суҳбатлашманг, мазкур ташриф тафсилотларини катта мамнуният билан сўзлайди.

Муносабат



Ўзбекистон Республикаси
Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Зарур бўладиган маблағнинг ярми вилоят бюджетидан, қолгани республика бюджетидан ажратиладиган бўлди. Биз, Фориш шифокорлари ва аҳолиси бундан жуда хурсандимиз.

Бундан ташқари, туманимиз

фаоллари вилоят маркази ва туманни боғловчи йўлни капитал таъмирлаш масаласини ўртага ташлашди. Президентимиз бу муаммо ҳам ўз вақтида қўтарилганини қайд этиб, туман ҳудудида мамлакатимизда қуриладиган атом

«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ:

ВАЛЮТА ТУШУМИ 12 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ОШАДИ

Пульт орқали бошқариладиган ҳайҳотдек махсус саватдаги 60 — 65 тонна темир парчалари ва бошқа қотишмалар алангаланиб турган пегча ташланди. Бу пайтда печдан олов пуркалади. Унинг ёруғлиги кўзни қамаштиради, шовқини эса қулоқни қоматга келтиради. Махсус ҳимоя воситаларисиз бу ҳолатни кузатиш мумкин эмас. Чунки компьютер ўчоқдаги иссиқлик 1 600 даража эканлигини кўрсатмоқда. 55 дақиқадан сўнг оловранг суюқлик мосламалар ёрдамида турли шакл ва ҳажмдаги прокатларга, қурилишда ишлатиладиган темир маҳсулотларга айланади.

Бу — “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамиятининг юрагига қиёсланувчи электрда пўлат эритиш цехи фаолиятидан бир лавҳа.

Инновация

Дарҳақиқат, бекободлик металлурглр бугун ана шундай замонавий ускуналардан унумли фойдаланмоқда. Пировардида ўтган йили комбинатда 911 минг тонна пўлат эритилди. Бу цехнинг, қолаверса, бугун бошли корхонанинг 75 йиллик тарихидаги энг яхши кўрсаткичдир. Негаки, корхона ишга туширилганидан бери бу қадар кўп пўлат эритилмаган эди.

Яна бир гап. Корхонада инкор қилиб бўлмайдиган қатъий қоида мавжуд. Унга кўра, электрда пўлат эритиш цехининг қандай ишлаши бугун бошли комбинат фаолиятини белгилайди. Шу боис 847 нафар ўз касбининг устаси меҳнат қилаётган жамоада пўлат эритиш-

нинг замонавий технологиялари мунтазам равишда ўзлаштириляпти.

Цехнинг катта пўлат эритувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Алим Тўйчиевнинг айтишича, бу, ўз навбатида, меҳнат самарадорлигини таъминлаши баробарида, электр энергияси, ўтга чидамли материаллар ва графитланган электродлар сарфини камайтиришда ҳам кўл келмоқда.

Бундай ижобий ўзгаришлар прокат маҳсулотлари миқдоридида ҳам кўзга аққол ташланади. Яъни бир йил мобайнида комбинатда аввалги йилдагига нисбатан 333 857 тонна кўп прокат маҳсулотлари тайёрланиб, ўсиш суръати 146 фоизни ташкил этди.

Яқунланган йил металлурглрлар учун



баракали бўлди, дейишга асослар етарли. Хусусан, бу ерда инвестиция дастурлари асосида йилга 15 минг тонна ферросилиций ва 10 минг тонна ферросиликомарганец ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани унинг фаолиятини янада кенгайтирди. Натижада жорий йилдан эътиборан биринчи марта ферросилиций ва ферросиликомарганец экспорт қилина бошланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, бу орқали йилга 12 миллион АҚШ доллари миқдоридида валюта келиб тушади. Мухими, харидор бор.

Соҳа мутахассисларининг таъкидлашича, ферроқотишмаларга бўлган талаб мунтазам ошиб бормоқда. Демак, мазкур лойиҳанинг келажаги порлоқ.



Халқ вакиллари — туманларда

МУАММОЛАР ҲАЛ ЭТИЛИШИДАН ОДАМЛАР УМИДВОР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан учрашуваридида халқ вакиллариغا ишонч тобора ортаётганини аҳолининг мулоқотлардаги фаоллигидан ҳам илғаш қийин эмас.

Депутат А. Тумишова ўз мулоқотини Навоий вилоятининг энг олис ҳудуди — Учқудуқ туманидан бошлади. Худуднинг “Йўлчилар” овул фуқаролар ййғинида 4 432 нафар аҳоли истиқомат қилиб, қишлоқ болалари яқин-яқингача беш километр олисдаги Учқудуқ шаҳридаги мактабларга қатнар эди. Овулда 216 ўринли 5-умумий ўрта таълим мактаби фойдаланишга топширилиб, ўқувчилар ўзбек ва қозоқ тилларида таълим ола бошладилар.

— Лекин ҳозиргача муассасамиз бирорта жиҳоз билан таъминланмаган, — дейди мактаб директори Севдиёр Сайфутдинов. — Бўшаб қолган коллеж-

лардан парта-стулларни олиб келиб, фойдаланяпмиз.

Тумандаги 10-умумий ўрта таълим мактаби директори Д. Холмурадова эса ўзи раҳбарлик қилаётган, 1964 йилда қурилган мактаб биносининг чўкканлигини айтиб, янги муассаса қурилиши дастурга киритилишида амалий ёрдам сўради.

Учқудуқда Жўзқудуқ, Қўлқудуқ, Мингбулоқ овуллари туман марказидан 60 — 100 километр олисда жойлашган бўлса, Балтай, Боранбай, Узунқудуқ ва Бузаубай овулларида қадар 150 — 220 километр йўл босиш зарур.



Учрашув

ХАЛҚАРО АТОМ ЭНЕРГИЯСИ АГЕНТЛИГИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Фанлар академияси президенти бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Вена шаҳрида Халқаро атом энергияси агентлиги бош директори Юкия Аmano билан учрашди.

“Ўзатом” агентлиги матбуот хизматининг хабар беришича, мулоқотда юртимизда атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш, мазкур тармокнинг тиббиёт ва бошқа соҳалар ривожидидаги ўрни ҳақида фикр алмашилди.

Маълумки, ўтган йили октябрда Ўзбекистонда биринчи атом электр станциясини куриш лойиҳасига старт берилганди. Уша пайтдан бошлаб республикамизда махсус ташкил қилинган “Ўзатом” агентлиги томонидан мазкур йўналишдаги ишлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг Халқаро атом энергияси агентлиги талаблари ва тавсияларига риоя қилишга содиқлиги, хусусан, ядро хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бошқа йўналишлар билан боғлиқдир.

Учрашувда Халқаро атом энергияси агентлиги бош директори радиацион ва ядровий хавфсизликни таъминлаш ҳамда кучайтириш, шунингдек, техник ҳамкорлик доирасида лойиҳа-

ларнинг амалга оширилишдан мамнуллигини билдирди. Қайд этилганидек, Ўзбекистонда АЭС қурилиши таълим тизимини такомиллаштириш, ядро-муҳандислик фанлари, қурилиш саноати ва энергетика ривожланишига мустақам замин яратяди.

Юкия Аmano Халқаро атом энергияси агентлиги бундан кейин ҳам Ўзбекистонга, шу жумладан, атом электр станцияси қурилиши жараёнида техник ва эксперт ёрдами кўрсатишга таяйирлигини билдирди.

Маълум қилинишича, яқин кунларда Тошкентда Халқаро атом энергияси агентлиги экспертлари иштирокида навбатдаги семинар бўлиб ўтади.

Фозлиддин АБИЛОВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Анжуман

АЁЛЛАР ВА ОИЛАЛАР ТАҚДИРИ

ҳамиша жамият эътиборида бўлади

Аёллр ўзаро ййгилиб, бир ишга киришдими, демак, масала ҳал. Бу гал ҳам шундай бўлди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган анжуманда Президентимизнинг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси муҳокама қилинди.

Бундан бир йил муқаддам қабул қилинган мазкур ҳужжат аёлларга эътиборни янада кучайтириш, уларни аниқ, кучли ва ижтимоий

йўналиштирилган ҳолда химоялашнинг янги механизмларини ишга солди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БАНКРОТЛИК ТАОМИЛЛАРИНИ ЯНАДА СОДДАЛАШТИРИШ ВА СУД БОШҚАРУВЧИЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

3. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил 1 майдан:

а) давлат солиқ хизмати органларининг аризалари бўйича қўзғатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишда **суд бошқарувчиларини давлат солиқ хизмати органлари ходимлари орасидан тайинлаш амалиёти бекор қилинади**;

б) шундай тартиб жорий қилинадики, унга мувофиқ давлат солиқ хизмати органларининг аризалари бўйича қўзғатилган банкротликнинг соддалаштирилган таомилларини ўтказишда:

тўртинчи тоифали суд бошқарувчиси аттестатига эга бўлган ва Ўзбекистон суд бошқарувчилари ассоциацияси (кейинги ўринларда — Ассоциация) аъзолари ҳисобланган **шахслар суд бошқарувчиси этиб тайинланади**;

қарздор турган жойдаги туман (шаҳар) солиқ инспекциясининг қарорига асосан, ҳар бир яқунланган тугатишга доир иш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **суд бошқарувчиларига энг кам иш ҳақининг йигирма баравари миқдорида ҳақ тўланади**;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни узишда тўланган қарз суммасининг 5 фоизи миқдорида суд бошқарувчиларига қўшимча ҳақ тўланади;

в) **суд бошқарувчиларининг фаолияти** “фүқаролик ва иқтисодий суд ишларини юритиш” иختисослашуви бўйича лицензияга эга бўлган ва суд бошқарувчиси аттестатини олган **адвокатлар томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин**;

г) суд бошқарувчиларини тайинлаш кредитор

МУАММОЛАР
ҲАЛ ЭТИЛИШИДАН
ОДАМЛАР УМИДВОР



Мазкур ҳудудларда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа кундалик эhti-ёжлари тумандаги “Учқудуқ-савдо” МЧЖ томонидан қаноатлантирилади. Табиий-ки, қишнинг қорли-қировли кунларида йўл ёпилиб қоли-ши инobatга олиниб, масъу-лияти чекланган жамияти томонидан илгари мавсумга етарли захира яратилар эди.

— Захира яратиш транс-порт харажатларини ҳам маълум миқдорда камайти-рарди, — дейди мазкур МЧЖ раҳбари К. Динбаев. — Шу-ларни инobatга олиб, аҳоли-нинг бирламчи эhtiёжлари, чунончи, ун ва ёғ маҳсулот-лари таъминотида амалий ёрдам берилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, учрашувда сайловчилар овул ва умуман, туман марказида аҳоли сони ошиши ҳамда туман мар-казий поликлиникасининг 37 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиши инobatга олиниб, қишқоқ оилавий по-ликлиникаси барпо этилиши масаласида амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда туман ёшлар-и учун ёпиқ сузиш ҳавза-сини қуриш масалаларини ўртага ташладилар.

Зарафшон шаҳридаги сай-ловчилар билан учрашувда эса вилоятнинг Шимолий

ҳудуди — Томди, Учқудуқ ту-манлари ҳамда Зарафшон шаҳрида истикомат қилаёт-ган имконияти чекланган фүқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларнинг иж-тимоий жараёнларда фаол-лигини таъминлаш мақсади-да ҳудудий ногиронлиги бўлган шахслар жамиятини ташкил этиш масаласи депутат эътиборига ҳавола қилинди. Бундан ташқари, Янги Зарафшон маҳалласи кенгайиши ва аҳоли сони ўсиши ҳамда массивнинг ша-ҳардаги энг яқин боғчадан 2,3 км. узоқлигини ҳисобга олиб, ҳудудда МТМ барпо этиш масаласи ўта долзарб-лигига эътибор қаратилди.

Шунингдек, Томди тума-нидаги учрашувларда сай-ловчилар қоракўнчиликка их-тисослаштирилган собиқ ширкат хўжалиklarининг 2017 йилда тугатилганлиги, лекин пайчилар ўзларига те-гишли бўлган пай улушлар-ини ололмаётганлиklarини билдиришди.

Мулоқотларда деярли барча чўл ҳудудида аҳоли йўловчи ташиш транспорти катновидан норози эканли-гини баён этишди.

Муаммолар кўп, уларнинг ечими ҳал этилишидан одамлар умидвор. Буни эса вақт кўрсатади.

Темур ЭШБОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

АЁЛЛАР ВА
ОИЛАЛАР ТАҚДИРИ

ҳамиша жамият эътиборида бўлади



Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академия-сида ташкил этилган медиа-анжуманда бу борада масъ-ул ташкилотлар томонидан амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Галдаги вазифалар ҳусусида маълум-от берилди.

— Давлатимиз раҳбари Фармони Хотин-қизлар кўми-таси фаолиятини замон талабига монанд йўлга қўйиш имконини берган бўлса, “Оила” илмий-амалий тадқи-қот маркази мутлақо қайта-дан, янгича асосда ташкил этилишида муҳим дастурил-амал ҳужжат бўлди, — дейди марказ директори ўринбоса-ри Дилбар Алимжоновна. — Бугун аёллар билан иш олиб боришда опа-сингилларимиз-нинг ижтимоий-сиёсий фаол-лигини ошириш, ижтимоий ёрдамга муҳтож аёлларни ҳимоялаш, бандлиқни таъ-минлаш, тадбиркорликни ри-вожлантириш, аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш каби жиҳатлар-га асосий эътибор қаратил-моқда. Шундай ёндашув

Мафтуна АЗИЗОВА.

УЛУҒВОР МАҚСАДЛАР,
ҲАЁТБАХШ ИСЛОҲОТЛАР

жиззахликларни янги марралар сари руҳлантирмоқда



Президентимиз таклифни қўллаб-қувватлашни билдирди. Ёшлар иттифоқи маблаг ҳисоби-га туман ёшлари учун дам олиш маскани ва амфитеатр қуриб бе-риладиган бўлди. Давлатимиз раҳбарининг эътибори ва ғамхўр-лиги ёшларни беҳад мамун қилди.

Абдужалил АЛИҚОБИЛОВ,
Дўстлик туманида ашовчи меҳнат фаҳрийси:

— Президентимиз ҳудудларга таширф буюриб, энг аввало, халқ

вакиллари билан суҳбатлашиб, уларнинг дарду ташвишларини тинглаб, муаммоларни жойида ҳал этаётганини телевидение ва матбуот орқали мунтазам кўриб, кузатиб боряпмиз.

Давлатимиз раҳбари вилоят-мизга келганларида, биз, Пахта-кор туманида истикомат қилувчи фаоллар “Сувонобод” маҳалла фүқаролар йиғини ҳудудидаги чи-қинди суви тозалаш иншооти эс-кирганлиги, атрофга бадбўй хид тарқалаётганлиги, уни бартараф этишда амалий ёрдам беришла-

рини сўраб, мурожаат қилдик. Муаммо ҳал этиладиган бўлди. Мен ҳам туманимизда ғалла ва пахта экилаётган майдонларда богдорчилик фермер хўжаликлар-ини ташкил этиш таклифи билан чикдим. Бу фикримни Юртбоши-миз ижобий кутиб олдилар ва қисқа муддатда республика ишчи гуруҳи бориб, ташаббусим жойи-да чукур ўрганиладиган бўлди. Бундан биз, туманимиз деҳқонла-ри жуда хурсанд бўлдик.

«Халқ сўзи» мухбири
Толибжон ЭРҒАШЕВ ёзиб олди.

«Ўзбекистон металлургия комбинати» АЖ:
ВАЛЮТА ТУШУМИ
12 МИЛЛИОН ДОЛЛАРГА ОШАДИ



Ферросилиций ва ферро-силикомарганец шу пайт-гача бизга четдан келти-рилганини, бунинг учун ҳар йили 17 миллион доллар миқдоридagi маб-лаг сарфланганини ино-батга олсак, унинг аҳами-яти қанчалик юқори экан-лигини англаш қийин эмас.

Комбинатнинг рангли металллар ишлаб чиқариш цехида ўтган йили мис ва унинг қотишмаларида 60,3 миллиард сўмлик 1 177 тонна тасмалар ўрами, шу жумладан, ен-гил ҳамда юк автомобил-лари радиаторлари учун мўлжалланган маҳсулот-лар ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга жу-натилди. Бу ҳам ушбу цехнинг ўз тарихида қўлга киритган энг юқори кўрсаткичидир.

Эътиборлиси, тайёр маҳсулотнинг 71 фоиздан ортиғи Россия, Қирғи-зистон, Тожикистон, Туркия сингари давлатлар-га сотилди. Экспорт тушу-ми 5,37 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Тошдан тола олса бўладими? “Қаловини топса қор ҳам ёнади”, де-

ди. Россия ва италиялик мутахассислар билан ҳамкорликда қурилган, замонавий янги техноло-гиялар асосида ишлайди-ган мазкур участкада том маънодаги мўъжизанинг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу ерда қурилишда ишлати-ладиган, иссиқлик ва со-вуклик ўтказмайдиган сим тўрли матлар, иссиқ-хоналар учун гидропони-ка плиталари тайёрлан-моқда. Ҳар икки маҳсулот бир қарашда майин тўшакни эслатади. Енгил ва бежирим. Мазкур юмшоқ маҳсулотларнинг хом ашёси базальт ва оҳак тошлари ҳисоблана-ди. Ишончи қийин, лекин бу — ҳақиқат.

Тайёр маҳсулотнинг бир куб метри 4 кило-грамм тош босади. Хом

ашёсининг шунча ҳажми эса 1600 килограммни ташкил этади. Маҳсулот ҳажм бирлигини ўзгар-тирмай, унинг вазини 400 марта камайтириш асосида тошни толага ай-лантиришнинг ўзи бўлма-са керак.

— Базальт ва оҳак тош-лари махсус печларда 1500 — 1600 даража ис-сиқликда эритилади, — дейди цех бошлигининг ўринбосари Шерзод Шарипов. — Олинган маҳсулотга ҳар дақиқада 1600 марта айланадиган дисklar ёрдамида ишлов берилади. Натижада узун тошалар ҳосил бўлади.

Мутахассис жараёнини ўта содда ва жўн тушун-тирди. Аслида, у жуда му-раккаб ва кўпқиррали юмۇшир. “Ақли” асбоб-ускуналар, замонавий бошқариш технологияла-ри ҳар бир жараёнини назорат қилиб туради.

Хом ашё табиий бўлган учун маҳсулот ҳам экологик тоза.

Ўзбекистон металлур-гия комбинатида яқинда куюв-прокатлаш маж-муаси қурилишига тамал тоши қўйилгани ҳам тарихий воқеалардан бири бўлди. Мазкур мажмуа фойдаланишга топширилган, комбинатда ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ошади. Дарвоқе, комбинатда 2018 — 2022 йилларда 474,5 миллион АҚШ доллариликдан зиёд 13 та инвестициявий лойиҳани амалга оши-риш режалаштирилган. Демак, бу ерда келгуси-да янада кўпроқ янги-ликларга қўл урилади.

Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Халқ сўзи

2019 йил 2 февраль

кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 майга қадар муддатда илғор хорижий тажрибани инobatга олган ҳолда, янги тахрирдаги “Банкротлик тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритсин.

10. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов, Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Мавлонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж. А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2019 йил 1 февраль	

Депутат фикри

ТўДАКЎЛ, ҚҲҲИМОЗОР
СУВ ОМБОРЛАРИ РАМСАР
РЎЙХАТИГА КИРИТИЛАДИ.
НИМА ЎЗГАРАДИ?

Ўзбекистон Републикаси “Қизил китоби”га киритилган 37 турдаги қушларнинг ҳаёти сув-ботқоқ ҳудудлари билан узвий боғлиқ. Овланадиган турларнинг асосини ташкил этувчи ғозлар ва ўрдақлар ҳам айнан сув ҳавзаларидан овланади. Уларнинг ҳимояси ва хавфсизлигини халқро меъёрлар асосида таъминлаш мақсадида Ўзбекистон 18 йил аввал Рамсар конвенциясига қўшилган. Ўтган йиллар давомида мазкур ҳужжатга аъзолик мамлакатимизга нима берди? Соҳада қандай янгиланишлар кузатиляпти?



Аввало, Рамсар конвен-цияси ҳақида. У 1971 йил-нинг 2 февралда Эроннинг Рамсар шаҳрида “Сувда су-зувчи қушларнинг асосий яшаш манзили бўлган халқ-аро аҳамиятга эга сувли-ботқоқ ерлар тўғрисида”ги Конвенция номи билан қабул қилинган. 2018 йил ҳолати-да мазкур ҳужжатга 170 та давлат аъзо ва Рамсар рўйхатида умумий майдони 228,9 миллион гектарни ташкил этувчи 2 307 та сув-ли-ботқоқли ҳудудлар кири-тилган. Республикаимиздаги Денгизқўл ва Айдар — Арнасой қўллар тизими Рамсар рўйхатида туради.

Дастлаб Конвенция сув ҳавзаларини қушларнинг яшаш муҳити сифатида муҳофаза этишни мақсад қилган бўлса, эндиликда унинг мазмун ва моҳияти анча кенгайди. Унга аъзо давлатлар нафақат сув ва сув олди қушларини муҳо-фаза қилишга, балки ҳудуд-даги бутун сув экотизмла-рини бус-бутунлигича сақлаб қолишга қаратилган қатор вазифаларни бажаришга масъулдилар.

Ўзбекистондаги қўллар ва уларнинг қирғоқ зонасида 150 турдан ортқ қушлар яшайди. Орол денгизининг таназзули ушбу турларнинг қарийб бир миллион гектар майдонни эгаллаган 500 та қўлда қайта тақсимланиши-га ва кўп сонда йиғилишига сабаб бўлмоқда. Натижада қўллар ва сув омборларида

қушларни муҳофаза қилиш-нинг долзарблиги янада осяпти.

Айниқса, кейинги йиллар-да сув тақчиллиги боис қўллар сатҳининг кескин кўтарилиши ёки аксинча пасайиб кетиши юз бермоқ-да. Гидрологик режимнинг бундай ўзгариши сувда сузувчи қушларнинг кўпайи-ши ва озикланиши учун қатор нуқулайликларга олиб келяпти.

Орол муаммоси ва унинг оқибатлари табиат ҳамда жамият орасидаги муноса-батларда сув ресурслари қандай ўрин туттишини яна бир бор ўқтирди, десак, му-балабас каби қўлларда Конвенция нормаларига му-вофиқ иш олиб бориш зим-мамиздаги долзарб вазифа-лардан биридир.

Сув ҳавзаларини муҳофа-за этиш, аввало, ноёб ва йўқолиб кетаётган турларни сақлаб қолишга хизмат қи-лади. Овчилик хўжаликлири-нинг иқтисодий самарадор-лигини ошириш, экотуризм ва ов туризмни ташкил этишга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Демак, олди-мизда қиладиган ишлар жуда кўп.

Фахриддин ХОЛБОВЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси депутати.

Ўзбекистон махсус бўлинма ҳарбийлари АҚШдаги машғулотларда муваффақиятли қатнашди

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги махсус бўлинма ҳарбий хизматчилари шу йилнинг 11 январидан АҚШнинг Кемп-Шелби ҳарбий базаси (Миссисипи штати)да ташкил этилган “Жанубий зарба” ҳамкорликдаги машғулотларида қатнашишга киришган эди. Улар дастлаб биргаликда иккита машқ ўтказди.

Хамкорлик



Машғулотларнинг учинчи — асосий фазасини кузатиш учун эса Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, генерал-лейтенант Абдусалом Азизов бошчилигидаги мамлакатимиз ҳарбий делегацияси АҚШда бўлди. Бу ҳақда

“Жанубий зарба” тактик машғулоти — Миссисипи штати Миллий гвардияси томонидан Галфпорт шаҳрида жойлашган жанговар тайёарлик ва бирлашган кучларнинг Кемп-Шелби ўқув базаларида ўтказиладиган ийрик ўқув-жанговар машғулоти ҳисобланади. Ушбу машғулотлар барча қўшин турлари ҳамда қўриқлов бўлинмалари, захира кучлари ва доимий қўшинлар учун амалиётда жанговар шайлиқни ушлаб туриш ҳамда АҚШ ва асосий иттифоқ қуроли кучлари ўртасидаги ҳамкорлик масалаларини таъминлаш каби мақсадларни ўз ичига олади.



Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати маълум қилди. Ана шу кенг миқёсдаги машғулотларда Канада, Чили ва Нидерландия ҳар-

бийлари ҳам иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ҳамкорликдаги машғулотларни кузатганидан сўнг 29-30 январь кунлари АҚШ Марказий қўмондонлиги (CENTCOM) раҳбарияти билан Флорида штатидаги Тампа шаҳрида учрашди. Суҳбат чоғида Марказий Осиё ва дунёда тинчлик ҳамда хавфсизликни таъминлаш, ҳарбий кадрлар тайёрлаш, биргаликда машғулот ва тренинглар ўтказиш, қолаверса, истиқболдаги ҳарбий ҳамкорликнинг бошқа долзарб маса-

лалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ҳарбий делегацияси CENTCOM қўмондонлигига ташири чоғида ҳамкорликдаги стратегик таҳлил гуруҳи ҳамда Коалициявий мувофиқлаштирув марказининг функциялари билан ҳам танишди. Шунинг билан Ўзбекистон ҳарбий делегацияси- нинг АҚШга расмий ташири- фи якунланди.

Шавкат ОРТИҚОВ.

Мудофаа вазирлиги матбуот хизмати суратлари.

КВАРТИРАНИ ЎЗБОШИМЧАЛИК БИЛАН ЎЗГАРТИРМАНГ

Акс ҳолда балкониңгиз қулаб тушиши мумкин.

Яқинда пойтахтимизнинг Учтепа тумани, 23-мавзесидаги 20-уйда рўй берган воқеа ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Маълум қилинганидек, фуқаро С. Саидкаримов 20-уйнинг 25-хонадонини 2015 йил сотиб олган, тегишли ташкилотлардан рухсат олмасдан таъмирлаш ишларини олиб бориб, хонадоннинг ичкарисида ўзгартиришлар қилган. Яъни 3 яшаш хонаси билан 4 яшаш хонаси оралиғидаги деворни олиб ташлаб, 4 яшаш хонасига кириш эшигини берkitиб ташлаган. Шу билан бирга, хонадон балконини гишт билан ўраб олган.



Долзарб мавзу

Мазкур уйнинг 23-хонадонига яшовчи фуқаро Б. Умархўжаев шу йил январь ойининг бошларида ўз хонадонига ўзбошимчалик билан таъмирлаш ишларини амалга оширган. Натижада 4-қаватдаги 23-хонадон балкони 5-қаватдаги 25-хонадоннинг гишт билан ўралган балкони оғирлигини кўтара олмасдан 4, 3, 2 ва 1-қаватдаги балконларга ҳам зарар етказган ҳолда қулаб тушган.



Хайриятки, бундан одамлар талафот кўрмаган. Ушбу ҳолат ҳар биримизни мушоҳадага ундайди. Умуман, аслида фуқароларимиз уй-жой фонидан қандай фойдаланишлари керак? Квартирага ўзгартиришлар кири- тишнинг қонуний тартиб-қоидаларидан аҳоли қай даражада хабардор? Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фонидан фойдала- нишни назорат қилиш инспекцияси бош- лиғи Абдуназар ЭРДОНОВ билан суҳба- тимиз шу хусусда бўлди.

— Тураржойлардан самарали ва бел- гиаланган тартибда фойдаланиш — бугунги кунда ўта долзарб масала, — дейди А. Эрдоннов. — Кўпчилик хонадон эгала- ри квартира сотиб олиб, уларнинг ички

Юқорида- ги воқеадан, яъниямки, ҳеч бир одам тан жароҳати олмайди, ўлим ҳолати кузатилмади. Агар шундай бўлган- да бунга қим ҳавоб берарди? Гап одам ҳаёти ҳақида кетар экан, фуқароларга уй- жой фонди борасида ўзбошимчалик бў- лан иш туташнинг оқибати аянчили ақун топиши ҳам мумкинлигини эслатиб ўтмоқ- чимиз.

Яна бир масала. Тошкент шаҳри зил- зилалар содир бўлиб турадиган ҳудуд ҳисобланади. Агар юқоридаги ҳодиса зил- зила бўлиши билан бирга содир бўлганда, вазият бундан-да мураккаб тус олиши ҳам мумкин эди.

«Уйжойфондинспекцияси» томонидан уй-жой фондларида олиб борилган жами ўрганишлар сони — **20 081** та.

16 410 та ҳолатда кўчмас мулк эгалари томонидан ўзбошимчалик билан бинолар қуриш ва ўзгартиришлар киритилгани аниқланди.

Ҳисобот даври якунига қадар уларнинг **15 994 таси (97 %)** буздирилди, қолганларини мажбурий тартибда буздиришга оид даъво аризалар судларга тақдим этилди.

Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан **2 033 та** иш бўйича айбдор шахсларга нисбатан **329,5 миллион** сўмлик жарима ундиришга оид суд қарорлари қабул қилинди.

Ўтган йили **2 520 та** тураржойнинг ертўла қисми, **2 437 тасининг** кириш йўлақлари, **952 та** уйнинг том қисми таъмирланган.

14 001 та уй-жой фондининг йўлақларида ёриткич мосламалари ўрнатиш чоралари кўрилди.

тузилишини тегишли ташкилотлар рози- ливисиз ўзгартиришга уринадилар ва бу- нинг уддасидан ҳам чиқишади. Ёки туташ ҳудудларда қонуний қўрилмаларни қуриб олишади. Бу эса тураржойларда турли даражадаги қўчишлар ва ёриқлар пайдо бўлишига, уйларнинг техник ҳола- тига жиддий зарар етишига сабаб бўлмоқда. Учтепа туманидаги ҳодисага ҳам айнаи шуларни ваҳ қилиб кўрсатиш мумкин. Бундан, аввало, кўп қаватли уйларда яшовчи фуқаролар ҳулоса чиқариб, ҳушёрлиқни оширишлари лозим. Балкон- ларнинг беҳосдан қулаб тушишига хона- дон эгаларининг ўзлари айбдор бўлган- ти.

берилди. Ҳисобот даври якунига қадар уларнинг 15 994 таси ёки 97 фоизи буз- дирилди, қолганларини мажбурий тартиб- да буздиришга оид даъво аризалари суд- ларга тақдим этилди. 76 та ҳолатда аниқ- ланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан ту- лланган материаллар эса ҳуқуқни му- хофза қилувчи идораларга юборилди. Бундан ташқари, уй-жой фондлари- нинг техник ҳолатини ўрганиш жараё- нида аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан 2 551 нафар айбдор шахсга нисбатан маъмурий жарималар қўлашга оид материаллар судларга тақдим этилиб, шундан 2 033 тасини кўриб чиқиш натижаси бўйича 329,5 миллион сўмлик жарималарни

ундиришга оид суд қарорлари қабул қилинди. Албатта, амалга оширил- ган бу ишларни янада ку- чайтириш лозим. Чунки ҳали инспекция ходимлари оиаларни тўлиқ ўрганиб чиқа олгани йўқ. Келгусида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда барча уй-жой фондида мониторинг олиб бо- ришни ташкил қиламиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли.

— Фуқаролар ўз квартиралари ичида қонуний тарзда ўзгартириш- лар киритишлари мумкинми? Бу қан- дай тартибда амалга оширилади?

— Тўғри, кўпчилик хонадон эгалари квартиралар ичкарисида реконструкция ишларини амалга оширади. Ёнг қўп уч- райдигани бир ёки бир неча узаро бог- лик бўлган хоналарни ўзгартириб қайта қуриш ишлари, яъни хоналарни қайта режалаш, хонадон ичидаги муҳандислик коммуникациялар ва жиҳозларни қўчириш, ошхонани балконга олиб чиқиш орқали унинг ўрнини болалар ётоқхонасига ай- лантириш, мумкин бўлмаган уй девори- дан эшик ёки дераза очиш кабилар билан боглиқ бўлган қурилиш ишларидир.

Бундай ўзгаришлар махсус лицензия- га эга лойиҳалаш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган кўрсатма ва тавсиялар асосида қилиниши керак. Агар бино фа- садини реконструкциялаш назарда тути- ладиган бўлса, у ҳолда лойиҳа туман (ша- ҳар) архитектури билан келишилган бўли- ши шарт.

Фуқаролар реконструкция тугаганидан сўнг лойиҳалаш ташкилоти билан бирга- ликда, бажарилган ишлар лойиҳа ҳуж- жатларига мувофиқ эканлигини тасдиқ- ловчи акт тузиши ва амалдаги қонунчи- ликка биноан, хонадон мулкдори бир ой муддат ичида бино-иншоотларнинг давлат кадастрининг ҳудудий органига киририлган ўзгартиришлар ҳақида маълумот тақдим этиши лозим.

Лекин фуқаролар шаҳарсозлик норма ва қоидаларига хоналарни реконструк- циялаш, қайта тархлаш ҳамда усунулаш- да чекланишлар белгиланганини ҳам унутмасликлари даркор. Жумладан, ша- ҳарсозлик норма ва қоидаларида — ош- хона ёки санитар-техник хоналарнинг ўрнини ўзгартиришда пастдаги (юқори- даги) хонадонларнинг меҳмонхона ёки ётоқхонаси устига (остиға) жойлаштириш, ораёпма плиталарига таъсир этувчи ҳисобланган юкланиш даражасини оши- риб қайта қуриш, бино пойдеворини ўзгартириш ва бионинг юк кўтариб ту- рувчи синчи ёки қарқас элементларининг мастаҳкамлик хусусиятларини ўзгартириш, хоналарга кириш эшигини бевосита кўча- дан ёхуд зинапога бўлмасидан очиш ва бошқа бир қатор қайта қуришларни амалга оширишга йўл қўйилмади.

Қоидага амал қилмаслик белгиланган тартибда жавобгарликка асос бўлади. Ушбу масалага фуқароларимиз ўта масъ- улият билан ёндашишни истардик. Зеро, ўз манфаатини, деб бутун бошли уйга ёхуд аҳоли мол-мулкига зиён етказишга, уларни хавф-хатарга қўйишга ҳеч қим- нинг ҳаққи йўқ.

«Халқ сўзи» мухбири Раҳим ШЕРҚУЛОВ суҳбатлашди.

Янгилик

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ МУЛЬТИМЕДИА МАРКАЗИ ЎЗ ИШINI БОШЛАДИ

Кеча пойтахтимизда Адлия вазирлиги ҳузуридаги янги, замонавий марказнинг тақдими бўлиб ўтди. Ахборот маконига таҳлилий контент, креатив ёндашув ва инновацион ечим каби мезонларга таянишни мақсад қилган марказ биноси замонавий тарзда жиҳозланган.

Бундан ташқари, марказ энг сўнгги ахборот техноло- гиялари — компьютерлар, кўп функцияли овоз ёзиш тизи- ми, ёриткичлар, камералар ва бошқа техник воситалар билан бойитилган. Махсус декорацияли бир неча студия мавжуд бўлиб, бу ерда ток-шоу ҳамда бошқа фор- матдаги дастурларни сурат- га олиш имкони бор.

Оммавий ахборот восита- лари вакиллари билан муло- қот қилиш, жумладан, юзма- юз интерактив учрашувлар, брифинг ва матбуот анжу- манлари ўтказиш учун мах- сус медиа майдончалар яратилган. Ташкилотчилар келгусида марказнинг техник ҳамда ижодий имкониятлари- дан фойдаланиб, ҳужжатли фильмларни суратга олишни режалаштирмоқда.

Янги тузилма Президент Фармони билан тасдиқланган Жамиятда ҳуқуқий маданият- ни юксалтириш концепцияси ҳамда уни 2019 йилда сама- рали амалга ошириш бўйича тасдиқланган “Йўл харита- си”да белгиланган вазифа-

лар ижросини таъминлаш бўйича қатор лойиҳаларни амалга оширади.

Марказнинг бош мақсади — ҳуқуқий маърифатни таъ- минлаш. У қонун ҳужжатла- рининг мазмун-моҳиятини оддий ҳамда халқона тилда, мураккаб юридик атамалар- дан фойдаланмаган ҳолда тушунтиришга эътибор қара- тади.

Адлия органлари фаоли- яти очиклиги ва шаффофлиги марказ орқали ҳам таъмин- ланади. Бу жараёнда давлат хизматларида фойдаланиш тартибига доир консултацияв ёрдам кўрсатишга қаратил- ган ахборот-таҳлилий ҳамда шарҳларга асосланган медиа материаллар эфир ва икти- мий тармоқларга жой- лаштирилади. Бунда асосий эътибор кўргазмаллик, од- дийлик, қабул қилинаётган маъмурий регламентлар талабларининг халқчиллиги ҳамда содда тилда тушунти-рилишига қаратилади.

Мунисхон КАРИМОВА, «Халқ сўзи» мухбири.

Инсон қадри

ЭЛЛИК ЙИЛЛИК МУАММОГА ЕЧИМ ТОПИЛДИ

Хусанбой Орифжонов Из- боскан туманидаги Анорзор маҳалласида яшайди.

— Избоскан

билан Пахта- обод туманла- рини боғлаб турувчи тен- таксой дарё- сининг кўп- ригини сел ювиб кетган- ниға 50 йил бўлди, — дей- ди 72 ёшли Хусанбой Орифжонов. — Собик иттифоқ даврида муро- жаат қилмаган жойимиз қол- маган. Яна 25 йил идора- ма-идора юр- ганмиз. Умидимиз сўниб бо- раётганида Президентнинг Халқ қабулхонасига мурожа- ат қилгандик, ҳолимиздан хабар оладиганлар топила қолди.

Кўприк қурилиши учун 5 миллиард 394 миллион сўм маблағ ажратилди. Тез кунларда икки тумани ўзаро боғлаб турувчи кўприк таъ- мирланди, 50 йиллик муам- мо бартараф этилди.

Тиллаҳон Аҳмаджонова Асака туманининг Хонақа маҳалласида яшайди. У Халқ қабулхонасига уй-жойга муҳтожлигини айтиб, мурожаат қилган- ди. Хомийлар кўмағида қуриб берилган янги уй Тиллаҳон учун ҳақиқий бахт оёнига айланди. Шу туманнинг Гумбаз, Қорақий маҳаллаларида яшовчи Лобархон Мирзаева, Жаннатхон Аҳмедовнинг уйи таъмирланиб, ҳамма шароитлар яратиб бе-

Президентнинг Андижон вилоятидаги Халқ қабулхона- сига 2018 йил давомида бу каби мурожаатлардан 25 минг 528 та келиб тушди. Уларнинг 78 фоизи қаноатлантирилди. Қолган қисми ҳал этиш учун ҳудудий ташкилотларга юбо- рилган. Аммо гуруч курамсиз бўлмаганидек, бу масалага ҳам панжа орасидан қаровчи- лар йўқ эмас. Шу боис мута- садди идораларнинг 115 на- фар вакилига нисбатан чора қуриш мақсадида тақлиф ва тақдимномалар чиқарилди. Оқибатда 12 нафар мутаса- дида нисбатан маъмурий, 103 нафарига эса интизомий жавобгарлик тайинланди.

Халқ ичига кириб бориш, камчиликларни ўрганиш, муаммони бартараф этиш орқали фуқароларнинг ишон- чини қозониш мақсадида Халқ қабулхонаси томонидан 1 539 марта сайёр қабул ўтказилди.

Саминжон ХУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТИКУВ МАШИНАСИ ВА СЕРТИФИКАТ ТОПШИРИЛДИ

Жомбой туманида бошланғич хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини намунали йўлга қўйишга бағишланган амалий семинар ташкил этилди. Тадбир иштирокчилари “Жомбой дон” МЧЖда хотин-қизларга яратилган шарт-шароитлар билан танишиб, ютуқ ва камчиликларни муҳокама қилишди.

Шундан сўнг Жомбой туманидаги “Тут” маҳалла фуқаро- лар йиғинида яшовчи II гуруҳ ногирони Насиба Ҳасанова ва “Самарқанд” маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилув- чи Майсара Абдурахмонова ҳолидан хабар олинди. Насиба Ҳасановага тикув машинаси, Майсара Абдурахмоновага эса уй-жой олиш учун бошланғич бадали тўланганлиги тўғриси- даги сертификат топширилди.

Фаолияти намунали йўлга қўйилган бошланғич ташкилот раислари вилоят хотин-қизлар қўмитаси томонидан фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Умид СОРИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги Фармониға асосан, «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасига айлантирилди.

Шу сабабли қўмитаға қарашли бўлган муҳандислик мосламаларининг техник ҳолатини, ишлар сифатини текшириб ҳулоса берадиган «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси лаборатория унитар корхонаси ҳам «Саноат назорати лабораторияси» давлат унитар корхонасига айлантирилди.

Манзил ва ҳисоб рақамларимиз ўзгаргани йўқ.

Манзилимиз: 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Ж. Шоший кўчаси, 4-уй. Телефонлар: 71-253-85-56, 71-254-64-90.

UzBuild Tashkent

20 йил UzBuild билан қураимиз!

ЮБИЛЕЙ 1999 2019

Махсус бўлим: BuildTech

www.buildtech.uz

20-юбилей халқаро кўргазмасига ҳуш келибсиз!

2019 йил 27 февраль — 1 март «Узэкспомарказ», Ўзбекистон, Тошкент.

Бағрафил: www.uzbuild.uz

Дастлабки икки кун фақат тармоқ мутахассислари тақлиф этилади!

Ташкилотчи: Itessa EXHIBITIONS

ONLINE РҲЙХАТДАН УТИНГ

Guvohnoma № 3563

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси жамоаси палатанинг масъул ходими Зулфиддин Камоловга онаси Мухаббат ҚОРБОСТИЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamaxs@mail.ru reklama@xs.uz

«НАФЪИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАКДУРУР...»

Улуғ муаррих Мирхонд “Равзат ус-сафо”, Хондамир “Дастур уз-вузаро” асарларида султон Хусайн Бойқаронинг тарихий мактублари ҳақида маълумот берар экан, унда Алишер Навоийга нисбатан қўлланган “хидоят эгаси”, “шараф ва ҳурматнинг қайтиш жойи”, “дину давлат арбобларининг сараси”, “мулку миллат эгаларининг етакчиси”, “хайру эҳсонларни таъсис этувчи”, “хайру эҳсон муассисларига равнақ берувчи”, “салтанат устуни”, “подшоҳларнинг қўлидан етакловчи”, “хоқон давлатининг умиди”, “Султон ҳазратларининг яқин дўсти”, “ҳақиқат ва дин низоми” каби ундан ортиқ таърифларни санайди.

9 февраль — Алишер Навоий таваллуд топган кун

Йирик сармоядор бўлган Алишер Навоий ортиқча мол-мулкни ихтиёрий равишда хайру эҳсон ишларига сарфлаган. Давлатнинг энг катта бойлиги эл-улус деб билган мутафаккир халқ ман-фаатини назарда тутиб, жамоат бинолари қур-дирган. Бу ҳақда сўз кетганда, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида Алишер Навоий ҳақида: “Сўнгра халис мулкни ва ҳалол бойлигини Худо йўлига сарфлаб, мамлакат-да мадрасалар, масжидлар, работлар, хайрли жойлар ҳамда дор уш-шифо қуришга харжлади. Уша жойларга белгиланган вақфлари муомалада юрган (пул ҳисобида) тахминан 500 туман кепак-ийни (бир туман ўн мингга тенг) ташкил этади”, деган эътирофини эслаш kifoya. Улуғ шоирнинг:

**Нафъинг агар халққа бешакдурур,
Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур**

каби сатрларда ҳам “Бойлик тўплашдан мақсад уни халқ манфаатига хизмат қўлдиришидир”, деган эзгу ғоя ўз ифодасини топган. Бундай фикрлар бугунги кунда ҳам замонадошларимиз учун ибрат бўлишга арзийди.

Алишер Навоий мулкдор бўлиш, қўлидаги сармоя, дастмоя, мулкни асрай билиш, кўпайтириш йўлларини, бу инсондан алоҳида қобилият, ода-мийлик, тадбиркорлик каби сифатлар талаб эти-

шини “Мажолис ун-нафоис” асарининг олтинчи мажлисида Мавлоно Фазлулло зикрида алоҳида таъкидлаган. Ушбу фикрада шоирнинг Астробод шаҳрининг ҳокими сифатидаги ҳаётий кузатиш-ларидан ҳам воқиф бўламиз. Мавлоно Фазлулло бўш, ялқов, бебош киши бўлганлиги сабабли иқти-содий талафотга учрагани ҳақида шоир шундай ёзади: “Мавлоно Фазлулло ҳам шерозликдур. Ти-жорат тарийки била Астрободга келди. Лаванд-вашлиги голиб учун бепарволиг қилиб, дастмоя-сиға нуқсонлар воқе бўлди. Салоҳиятлик йиғит-дур. Толиби илмлиги ҳам бор. Шеър ва муаммо ва нард ва шатранжи ҳозирона ва гоийбона, балки сағир ва кабирни билур”.

Адолатни давлатнинг асоси, оламнинг низоми, тугуғи деб билган Алишер Навоий работ, қарвон-саройлар қурдиришдан ташқари эл-юрт ҳавфсиз-лигини таъминлаш, бозорларда нарх-наво ошиб кет-маслигининг олдини олиш борасида ҳам таҳсинга лойиқ ишлар қилган. Давлат мудофааси ва осо-йишталиги шу тўфайли барқарор бўлишини ҳеч қачон ёдидан чиқармаган. Савдогарлар, сайёҳлар қарвони ва дарвешлар, чопарларнинг ўзаро суҳбати, му-носабатлари орқали мамлакат сарҳадларида, узок ва чекка туманларда ҳамда қўшни давлатларда юз бераётган ёки ўзи бериши қўтилаётган воқеа-ҳоди-салардан хабардор бўлиб турган шоир ўз хулоса ва тақлифларини Хусайн Бойқарога тақдим этиб, фикр-

мулоҳазаларини очик баён эта олган. Хусайн Бойқаро шу тўфайли Алишер Навоийнинг ўзидан йироқ бўлишини бир муддат ҳам истамай, унинг ҳажга бориши учун рўхсат бермаган.

**Тахт чун бўлди шоҳдин холи,
Фитнадин холи ўлмас эл холи**

сингари сатрлари орқали Алишер Навоий давлат ва халқ тақдирини ҳукмдорнинг тутган ўрни борасидаги ҳаётий хулосаларини бадиий шаклда ўз ҳукмдорига етказиб борган.

Алишер Навоийнинг яшаган уйи қароғоҳ ма-қомида бўлиб, Унсия номи билан машҳур. Тари-хий манбаларда бу жой фуқаролар мурожаат қилиб борадиган, эшиги муҳтожларга ҳамisha очик мас-кан сифатида қайд этилади. “Бу улуғ амир мусул-монларнинг муҳим ишларига қафиллик, шарият ва суннат, мулку миллат ишларини равнақ этти-риш билан банд”, деб таърифланган Алишер Навоий “Шамс ул-миллат” номи билан Ҳирот ада-бий, маданий муҳити ҳомийси, раҳнамоси бўлган.

Алишер Навоий иқтидорли ёшларга ҳомий-лик қилиб, ўзи қурдирган ёки бошқа олий мад-расаларда давлатчилик, мулку миллат масала-лари бўйича махсус таълим-тарбия берган, уй-жой билан таъминлаб, давлат ишларига уларни жалб этган.

Улуғ мутафаккир ўз асарларида Уйғониш даври ва теурийлар Ренессансининг минг нафардан зиёд вакиллари ҳақида ишончи маълумотларни ёзиб қолдирган. Ушбу битиклар жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш, ёшларда миллий гурурни тарбиялаш жиҳатидан барча даврларда ибратли экани билан аҳамиятлидир.

**Буробия РАҲАБОВА,
ЎзФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти катта илмий ходими,
филология фанлари номзоди.**



ЎЗБЕКИСТОН ЁНҒОҚ ЭКСПОРТИДА ҚАЧОН ЕТАКЧИЛАР САФИДАН ЖОЙ ОЛАДИ?



Яшириб нима қилдик, ёнғоқчилик яқин-яқингача эътибордан четда қолиб келаётган, аниқроғи, ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Оқибатда янги боғлар ташкил этиш тугул, бордининг ҳам баҳридан кечила бош-ланди. Ўзингиз ўйланг, ҳар түпи 20 метр-гача соя ташлаб, дуруст ҳосил бермайдиган дарахтдан нима фойда?!

Кейинги пайтда қишлоқ хўжалиги ислоҳ қилиниб, боғдорчиликни ривожлантириш-га устувор аҳамият қаратилаётгани тўфай-ли нихоят ушбу тармоқни жонлантириш масаласи ҳам кун тартибига қўйилди.

Гап шундаки, Президентимизнинг 2017 йил 1 июнда “Ёнғоқ ишлаб чиқарувчи-лар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғриси-да”ги қарори қабул қилиндики, бу мазкур жабҳа ривожига катта туртки бўлди. Ушбу ҳужжатда Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятларида умумий майдони 10 минг гектарга тенг ёнғоқзорлар барпо этиш, бунинг учун халқаро молия институт-ларининг 50 миллион АҚШ доллари миқдо-рида имтиёзли кредитларини жалб қилиш вазифаси белгилаб берилди. Бу эса бор-бону соҳибкорлар кўнглининг туб-тубидаги озуларни рўёбда айни муддао бўлаётир.

Калифорния кўчати ўзбек заминига мос тушиди

Ёнғоқ ва куруқ мевалар ишлаб чиқ-арувчилар халқаро кенгаши (International Nut and Dried Fruit Council)нинг таҳлил-лари шуни кўрсатмоқдаки, ривожланиётган қўллаб давлатларда анъанавий боғдорчи-лик ўз ўрнини ихтисослаштирилган тар-моқларга бўшатиб бermoқда. Хусусан, ин-тенсив ёнғоқчилик тараққиёт этириляпти. 2017-2018 йиллар мавсумида ҳахонда 4,2 миллион тоннадан ортиқ ёнғоқлар етиштирилгани, бу ўтган мавсумдагидан 11 фоиз, охириги ўн йилликдаги ўртача кўрсаткичдан эса 30 фоиз кўп эканлиги ана шу тарихий ўзгаришлар махсули сифатида баҳоланаётир.



Лалмикор ерда шовуллаган бог

Яккабоғ туманининг Ишкент қишлоғига йўлнингиз тўшса, танаси қишининг кучоғи-га сиймайдиган ёнғоқларни қўриб, қойил қолишингиз турган гап. Улар ҳудуд ахли-нинг фахри саналади. Одамларнинг айти-шича, дарахтларнинг ақсарияти бир неча асрларни қаритган. Бундай табиий ёнғоқ-зорларнинг қўлигидан англаш мумкинки, Яккабоғ боғдорчилик, айниқса, ёнғоқчилик учун қўлай табиий иқлим шароитига эга. Шу маънода, Президентимиз ташаббуси билан 1 минг 140 гектар майдонда ёнғоқ-зор ва бодомзорлар ташкил этилаётганини бамисолиб беркилиб қолган бўлоқ қўла-ри очилганига менгаш мумкин.

Эътиборли жиҳати, юртимизда ёнғоқ-зорларнинг бунёд этишда сугорилидиган ер-лар эмас, аксинча, шу пайтгача фойдала-нилмай келинган лалмикор майдонлар қанчаб олинляпти. Мутахассисларнинг айти-шича, ёнғоқ обитобида парваршиланса, наинки тоғли ҳудудларда, балки лалми майдонлар, қир-адирларда ҳам тезда ту-тиб кетади. Шу боис “Sag agro Yakkabog” масъулияти чекланган жамияти раҳбария-ти боғ учун лалми ерлар ажратилганидан ажабланишмади ҳам. Ўтган йилнинг ўсида 400 гектар майдонда ёнғоқнинг “Chendler” ва “Cisco”, 300 гектарга бодомнинг “Avjor” ва “Guaga” навлари кўчатларини ўтказиб, замонавий боғ яратилди.

Бугун Хисор тоғ тизмаларининг этаги-даги бу боғни қўриб, кўзингиз қўнади. Саф тортган ниҳоллар бир йилдаёқ буй чўзиб шовлаб қолган.



Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманидаги ёнғоқ боғи.

А. МУҲАММАДИЕВ олгон сурат.

— Илгари бу жойлар қўриб-қақшаб ётар-ди, — дейди “Наврўз” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Зокир Ботиров. — Лалми ер эмасми, ёнғиғарчилик кўп бўлган йиллар-да галла экилар, қолган пайтда эса ёввойи ўт-ўланлар ҳам саратонга қолмай қавдон бўлиб қоларди. Президентимиз ташаб-буси билан шу ерлар обод бўлди. Шовуллаган бог бўли қўрсатилди. Унда бегоналар эмас, ҳудудимиздаги Лангар, Бешқўрт, Ақрим каби қишлоқлар ёшлари ишляпти. Шунинг орқасидан рўзгорини тебратмоқда.

Дарҳақиқат, жамият раҳбари Фаридун Розиковнинг таъкидлашича, 30 нафар доимий, 500 дан ортиқ мавсумий иш-чиларнинг барчаси шу ҳудуддан жалб этил-ган. Улар қишининг нисбатан илқ келган об-ҳавосидан унумли фойдаланиб, 440 гек-тар майдонни ниҳол қадашга ҳозирлаш-моқда. Бунда замонавий 6 та техника қушидан ҳам унумли фойдаланилляпти.

— Кўчатлар 6х7 схемада экилади, — дейди боғбон Абдукарим Саидов. — Бу қатор ораларига ишлов бериш, ҳосилни йиғиштириб олиш учун жуда қўлай. Чунки ёнғоқ қўлда эмас, техника ёрдамида териб олинади. Ниҳолларга ҳам шунга мослаб шакл берилди. Масалан, калифорниялик профессорнинг кўрсатмаси билан ўтган йили ўтказилган кўчатларнинг 2 метргача бўлган қисмида шох қолдирмади. Уч-тўртта нишона меваларини ҳам юлиб таш-лаб, унинг кучини ўсишга йўналтирдик. Энди бу йил улардан тўртта ён шохини қолдириб, шакл берамиз. Ана шунда ёнғоқзоримизнинг таровати кўзга яққол ташланади.

Ўзаро суҳбатлардан маълум бўлиши-ча, кейинги пайтда ёнғоқчиликка эъти-бор пасайиб кетишига дарахтининг кеч ҳосилга кириши, тагин кўп ҳолларда ме-васи “кўр”, пўчоғи қалинлиги сабаб бўлган. Ахир бир ниҳолни саккиз йил да-вомида парваршилаб, энди ҳосилни ола-башласангиз-у, унга бозорда талаб бўлмаса... Ҳар қандай киши бошқа экин экишни маъқул қўради-да.

Шунинг учун кўчатчиликда интенсив технологиялар қўлланилиб, тез ва хари-дорғир мева берадиган навлар экилмоқ-да. “Chendler” ва “Cisco” шулар сирасига ки-ради.

50 йил 50 килограммдан мева беради

Рақобатга дош бериш учун, энг аввало, ташки бозор талабига мос махсулот тақ-вир эти олишимиз шарт. Бу борада эса асл Ватани Калифорния бўлган “Chandler”га тенг келадигани йўқ. АҚШнинг ушбу шта-тида етиштирилган ҳосилнинг 40 фоизи ички бозорда сотилса, қолган қисми Корея Республикаси, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Хитой ва Европа иттифоқи мамлакатларига экспорт қилинади. Қандолатчилик фабри-калари, тез тайёр бўладиган овқатлар етказиб бериш тармоқлари асосий харидорлар саналади. Чунки унинг мазиғи оқ ва жуда мазали.

— Яна бир афзаллиги меваларининг йи-риклигидир, — дея суҳбатга қўшилган жа-мият иш юритувчиси Алишер Ибрагимов ҳажми товук тухумидек келадиган ёнғоқлар-ни кўрсатади. — Бу АҚШдан олиб келинган “Chandler” ёнғоғи. Шунинг учун боғимиз-дан умидимиз катта. Эҳтимол, мевалари бундай катта бўлмас, балки ундан ҳам йи-рик бўлар. Лекин ўта мазали бўлишига ишончим комил. Чунки биз ҳар 10 гектар майдоннинг турли жойларидан олинган ту-роқ таҳлиллар асосида унга мос навни тан-ладик. Парваршишни эса рисоладагидек бажаряпмиз.

Буни боққа келган киши бир зумда илгаб олади. Киши эътиборини сув манбаидан ана олис адирликда томчилятиш сугориш технологияси қўлланилаётгани тортмай қолмайди.

— Асосий ва ёрдамчи қувурларни ётқи-зиш, уларни монтаж қилиш ва томчилятиш шлангларини улаш — буларнинг барчасини ўзимиз қилдик, — дейди Ўрол Бозоров. —

Бу борада бизга йўл-йўриқ кўрсатиш учун Туркиядан жалб этилган лойиҳалаштирувчи мутахассис ҳам тан берди.

Каналдан олинган сув эни 60 метр, узун-лиги 200 метр, чуқурлиги 5 метрли махсус ҳовузда тиндирилиб, 6 та насос ёрдамида боғимизга етказиб берилади. Дарахтларга кўнжа ўртача 4 соат сув қўйилади, ҳолос. Асосий озуқалар ҳам эритиб берилади. На-тижада ҳар бир ниҳол бехато тутиб кетади. Боғнинг ҳар 200 гектарига бир агроном, 4 нафар боғбон бириктирилган бўлиб, улар кўчатларни номма-ном “танишади”, ҳола-тини бир қарашда билишади. Биз қишининг нисбатан илқ келиши дарахтлар эрта ўлинишига таъсири бор-йўқлиги ҳақида қизқамиз.



Уларнинг эътироф этишича, хорж навларининг энг қўлай жиҳати кеч, яъни апрель-май ойларидеа уйғонишидир. Бу Ўзбекистон шароитида ҳосилни совуқ урмайди, дегани. Қолаверса, -3 даража совуқда ҳам унинг мева тугунчаларига зиён етмайди. 4 йилда тўлиқ ҳосилга кириб, ҳар бир дарахт 50 килограммдан 50 йил мева беради.

Чорвачиликдан ўн чандон фойдали

Президентимиз 2018 йилнинг 13-14 декабрь кунлари Қашқадарё вило-лятига ташрифи давомида “Sag agro Yakkabog” масъулияти чекланган жа-ми-

«СОҒЛОМ ҲАЁТГА ҚАДАМ ТАШЛА!»

Ушбу акцияда фаол иштирок этиш фақат фойда келтиради.

Эрталаб уйғонгач, бадантарбия машқларини бажарасизми? Ҳар кун спорт билан шугулланасизми? Афсуски, ушбу саволларга юртдошларимизнинг барчаси бирдек “ҳа”, деб жавоб бера олмадлиги бор гап.

Очиги, кўпчилигимиз соғлом турмуш тарзига рисоладагидек амал қилмаймиз, жисмоний фаолликка эътибор қаратмаймиз. Бу эса кишида турли касалликларни келтириб чиқариши тайин.



Шу боис бундай ҳолатлар-нинг олдини олиш мақсадида Президентимиз томонидан 2018 йил 18 декабрда “Юқум-ли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қув-ватлаш ва аҳолининг жисмо-ний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор қабул қилинди. Унинг ихроси дои-расида бугунги кунда барча давлат ва жамоат ташкилот-ларида ҳодимлар жамоаси-нинг соғлом турмуш тарзига риоя қилиши ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда, улар-нинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шароит-лар яратилляпти.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилига билан ҳамкорликда жорий йилнинг 25 январидан 25 февралга қадар юртимиз бўйлаб ўтқа-зилаётган “Соғлом ҳаётга қадам ташла!” акцияси ҳам мана шундай чора-тадбирлар-

дан биридир. Унинг доираси-да мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги маҳаллалар, боғ ва хиёбонлар, жамоат жойлари, савдо марказлари-да “Саломатлик майдонлари” ташкил этилмоқда. Оилавий поликлиникаларда “Эъзозли аёллар” машғулотлари ўтқази-лаётир. Пойтахтимизнинг Шайхон-тоҳур туманидаги 45-оилавий поликлиникада ташкил қилин-ган “Эъзозли аёллар” машғу-лоти анчайин қизгин кечди. 20 га яқин хотин-қизлар тиббий кўрикдан ўтказилгач, ҳар кун бадантарбия машқла-рини бажаришди.

— Аёлларимиз учун бундай машғулотлар йил давомида ташкил этилади, — дейди поликлиниканинг бош шифо-кори Шахноза Сағдуллаева. — Гуруҳ тарқиб ҳар икки ойда алмашса-да, соғлом турмуш тарзи одатга айлангунча уларга кўмаклашиб турамиз. Шу билан бирга, мутахассис-лар томонидан мунтазам ра-вишда иштирокчиларнинг

жисмоний машқларни қандай бажариш кераклиги, бунинг саломатлик учун фойдали жи-ҳатлари ҳуусидаги билимла-ри бойитиб бoрилади.

— Ешим 71 да, шунга қара-май, жисмоний фаол бўлишга ҳаракат қиламан, — дейди Зафаробод маҳалласида яшовчи Фарида Мусаева. — Поликлиникамизда ўткази-лаётган машғулотларни эши-тиб, ушбу гуруҳга қўнғилли тарз-да қўшилдим. Ахир 15 дақиқа бадантарбия билан шугуллан-ган кишининг руҳи тетиклашиб, нафас олиши, ҳаракат-таянч тизими фаолияти яхшиланади. Бунга ушбу машғулотларда яна бир бор амин бўлдим.

Дарҳақиқат, тиббий мада-ният ва соғлом турмуш тарзи-га амал қилиш саломатлик асосидир. Соғлом инсонлар эса соғлом жамиятни қуради-лар. Президентимиз қарори билан бошланган эзгу сайё-ҳаракатлардан қўзланган асосий мақсад-муддао ҳам шу.

Муҳаммаджон АҲМАДЖОНОВ.

ятининг мазкур боғида ҳам бўлиб, у би-лан яқиндан танишиди, ёнғоқ кўчати ўтказди.

Шу ерда қишлоқ хўжалиги ҳодимла-ри, фермерлар, аҳоли билан суҳбатда Яккабоғда ҳам ҳосилдор ерлар, деҳ-қончиликни яхши биладиган одамлар қўплиги, бундан тўғри фойдаланиб, боғ-дорчиликни ривожлантириш, аҳоли то-морқалари учун мевали дарахтлар ет-казиб бериш зарурлигини таъкидлади.

Бинобарин, боғдорчилик — қони фой-да. Бамисоли аҳоли бандлигини таъмин-лаш, даромадини оширишда ишга солин-маган имкониятидир. Айтайлик, биргина “Sag agro Yakkabog”нинг боғларида 500 киши доимий иш билан таъминлани-ши, йилга 7 минг тоннага яқин махсулот олинини кўзда тутилган. Етиштирилган ҳосилнинг 60 фоизини эса экспортга чиқариш режалаштирилмоқда. Шунинг ортидан қанча даромад келишини эса тасаввур этиш қийин эмас. Бу масаланинг бир жиҳати, ҳолос.

Иккинчи томони шундаки, меванинг сероблиги ички бозорни сифатли махсу-лотлар билан тўлдириб, қайта ишлашни йўлга қўйиш, янги фабрикалар пайдо бўлишига туртки бўлади. Чунки қайси харидорғир ширинлик ёки шохладани олмаг, уларнинг асосий ҳом ашёси ёнғоқ эканлигига амин бўласиз. Дунё ошхонала-рини эса ушбу ҳуштам мевадан олинган паста ёки ёнғоқ қўшилган таомсиз тасав-вур қилиб бўлмайди.

Лойиҳа ташаббускорларининг фикрича, асосан, чорвачилик билан шугулланиб кел-ган қишлоқ аҳолиси томорчасида ёнғоқ етиштириш учун кўп харажат қилишга ҳожа-ти йўқ. Ёнғоқнинг “Chendler” ёки “Cisco” на-влари кўчатики экиб, парваришласа, кифоя. Унинг ҳар түпидан 50 килограмм ҳосил олинган тақдирда, бунча меванинги, бордин-ки, тенг ярни пўчоққа чиқиб кетса ҳам, 25 килограмм мағзи келибди. Унинг кило-си жаҳон бозорига 3 — 6 доллар баҳола-нади. Ўртача 5 доллардан пулланса, бу 125 доллар деганидир. Агар томорчангизда ўн түп ёнғоқ бўлса, шу ҳисобда, бир мав-сумда шунинг ўзидан 1 250 доллар, тахми-нан 10 миллион сўм атрофида қўшнча маб-лағ ишлаб олишингиз мумкин экан. Бу чор-вачиликдан ўн чандон фойдали эмасми?!

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил Қашқадарё вилоятига ташрифлари даво-мида берган топшириқларига асосан, Китоб давлат ўрмон хўжалигидан 1 000 гектар ортиқ, Яккабоғ туманидаги Хисор ҳудудида ҳам шунча майдонда ёнғоқзор-лар ташкил қилинди. Бу борадаги ишлар жорий йилда изчил давом эттириляётга-ни, республикамизнинг бошқа ҳудудлари-да ҳам замонавий ёнғоқзорлар бунёд қили-наётганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистон яқин 3-4 йил ичида ёнғоқ ети-штириш ва экспорт қилишда етакчи давлат-лар сафига қўйилишини фахмлаш қийин эмас. Бунга қаровсиз бўлиб ётган, сувсиз ер майдонлари ҳисобидан эришляётгани эса қишлоқ хўжалигидаги ишловларнинг нақадар пухта ва оқилона олиб бoриляёт-ганидан далолатдир.

**Сайд РАҲМОНОВ,
Аҳад МУҲАММАДИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 68 723 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Ўзлорлар 71-232-11-15.

ISSN 2030-6788

7123303478004

Тахририятга келган кўлаёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг тўққиз берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаовбар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ҳ. Тошхўжаев.
Навбатчи — М. Каримова.
Мусаҳҳих — С. Исмолов.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
“Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.55 Тошпирилди — 02.40
1 2 3 4 5 6